

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖИНОЙ ГУРУХЛАР
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ**

Махмудов Отабек Қобил ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган

310-гуруҳ курсанти

Танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг асосланиши. Ҳозиргикунда жиноятчиликнинг энг хавфли ва борган сари кенг тарқалиб бораётган жиноий уюшма шаклини илмий жиҳатдан ўрганиш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, жиноий уюшмалар шаклланишининг ижтимоий хавфи юқорилиги, жиноий уюшмаларнинг шаклланиши тобора кучайиб бораётганлиги, жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятининг етарлича ишламаётганлиги, ҳуқуқий ва институтив асосларнинг талабга жавоб бермаслиги. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республикадаражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш¹, шунингдек, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади².

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққолифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга бўлган ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда¹.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни аниқ манзилга йўналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг олдида алоҳида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, бугун ҳаётнинг ўзи илгари сураётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Таянч тушунчалар: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Жиноятчилик, Жиноий уюшма, Уйушган гуруҳ, Такрорий жиноят содир этиш.

Жиноий уюшмалар ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда кўмаклашиш, тизимли равишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича методик ва амалий қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиш, улардан ички ишлар органлари фаолиятида фойдаланишни таъминлаш белгиланган.

Профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини ташкил этишда энг аввало;

Хизмат қилаётган ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг фаол ёрдамига ҳамда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини турли хил ҳуқуқбузарликлардан, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши лозим.

Айниқса, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишининг олдини олишда ички ишлар идораларининг бошқа хизмат соҳа ходимлари билан ҳудудда олиб бориладиган барча тадбирлар давомида профилактика инспекторлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари ҳамда ўзаро ахборот алмашувини қатъий йўлга қўйишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ахборот алмашув жараёнини самарали ташкил этиш учун ички ишлар идораларининг соҳа хизматлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Профилактика инспекторларининг ўзига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этиш фаолиятини ташкил этишнинг самарали йўллари билан бири бу, шубҳасиз ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан милиция таянч пунктида

ҳамкорликни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратишлари керак. Ички ишлар идоралари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда гуруҳий жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, одам савдоси, фирибгарлик каби жиноятларнинг қурбони бўлмасликлари учун уларнинг аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича иш олиб боришлари лозим. Масалан, виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг жинойий тажовузлар қурбони бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс ҳимоя-тарбия чоратадбирларини амалга ошириш каби тадбирлар амалга оширилади.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари таркибида хизмат қилаётган – у пост-патрул хизмати ёки йўл-патрул хизмати ходими бўладими, жиноят қидирув инспектори, терроризмга қарши курашадиган ходим ёки тергов ходими бўладими, ёнғиндан сақлаш хизмати ёки паспорт хизмати ходими бўладими ихтисосидан қатъий назар барча соҳа ходимлари ҳаммаси ўз ишини маҳалладан, профилактика инспекторларидан бошлаши, унга таяниши ва у билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир бирини танийди. Ким нима билан нафас олаётганлиги, қандай кайфиятда эканлигини яхши билади. Маҳаллада бегона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда гуруҳий жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

-маҳалла (мавзе, турар жой) даги тезкор вазиятнинг чуқур таҳлилини олиб бориш;

-хукубузарликларнинг дастлабки босқичиданоқ олдини олиш, содир этилиш сабабларини, шарт-шароитларини аниқлаш ва баратараф этиш чора- тадбирларини аниқлаш;

-хизмат худудида кечаю-кундуз мобайнида узлуксиз жамоат тартибини сақлаш ва уни таъминлаш;

-жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан белгиланган тартибда профилактик ишларни ташкил қилиш;

-ҳисобда турган шахслар билан ўрнатилган тартибда профилактик тадбирларни олиб бориш;

-фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар томонидан паспорт тизими қоидаларига ва ўқ отар қуролларини сақлаш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

-ноқонуний фаолият кўрсатаётган ташкилотлар аъзоларини ва диний экстремистик йўналишда фаолият кўрсатаётган гуруҳларни аниқлаб, уларга нисбатан кенг кўламдаги профилактик чораларни кўллаш;

-маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида хизмат худудида ҳаракат қилаётган патруль-пост ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати ходимлари фаолияти устидан раҳбарликни олиб бориш;

-хукубузарликларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш;

-содир этилган жиноятларни фош этишда, қидирувдаги, суд ва терговдан қочиб юрган жиноятчиларни ушлашда ҳамда бедарак йўқолганларни аниқлашда фаол иштирок этади;

-жиноятчиликка қарши кураш борасида ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил қилиш ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

-маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлигининг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккига: *ўзаро ахборот*

алмашиш ҳамда фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиш мумкин.

Ўзаро ахборот алмашиш ҳамкорлигининг энг кўп тарқалган шаклидир. ИИО ходимлари айнан ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва уни алмашиш асосида ишлаб чиққан хулосага кўра ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан муносабатда бўлиши, уларнинг тақдирларини белгилаши боис айрим олимлар ахборот олиш ва унга ишлов беришни ИИО фаолиятининг асосий технологияларидан бири дея таъкидлайдилар.

Ўтказилган ижтимоий сўров жараёнида -маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари негизидаги ҳамкорлик шакллариининг қайси бири самарали эканлигини билиш мақсадида респондентларга тегишли савол билан мурожаат этилганида, уларнинг 53,6 фоизи муайян ишни биргаликда режалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилишни, 31,3 фоизи биргаликдаги рейд, қўшма тадбир ўтказишни, 21,2 фоизи ўзаро ахборот алмашишни, 17,4 фоизи муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни самаралироқ деб ҳисоблаши маълум бўлди.

Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари негизида ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ва уларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш *биринчидан*, ушбу ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, усул ва шакллариининг, куч ва воситаларнинг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорлигининг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлигига; *учинчидан*, ҳамкорлигининг муҳим шартлари бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорлигининг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали

таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари таркибидаги барча хизматларнинг асосий вазифаси жиноятларнинг олдини олиш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг профилактика хизмати томонидан жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Биринчидан, жиноятчиликни олдини олишда жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормаларини бузувчи шахсларга нисбатан қонунда белгиланган ишонтириш ва мажбурлаш чораларини қўллаш. Бунда огоҳлантириш чораларидан ўзига хулоса қилмаган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тақозо этилади. Ички ишлар органлари томонидан бундай шахслар тоифасига нисбатан расмийлик учун эмас, балки ҳаракатчан, таъсир этувчи оператив-хизмат характеридаги чоралар қўлланилиб, нафақат жиноятларнинг олдини олишга, балки унинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга эришилади.

Иккинчидан, ички ишлар органларининг жиноятларнинг олдини олишдаги ваколати кенг бўлиб, у жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятидаги барча соҳаларни қамраб олади. Бироқ шундай бўлсада, ҳаракатдаги қонунлар таҳлили ва амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари фаолиятида жиноятчиликнинг олдини олишда бир неча асосий йўналишлар мавжуд. Ушбу йўналишлар бугунги кунда ички ишлар органлари олдида биринчи навбатда турган вазифалардан бири бўлиб турган, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, соғлиққа қарши, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларнинг олдини олиш, терроризм, диний экстремизм, жиноий уюшмалар шаклланишига қарши кураш кабиларда намоён бўлади. Бу албатта, *биринчи йўналиш* ҳисобланади. Мазкур йўналишга доир жиноятларнинг олдини олишда тергов, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматларининг роли каттадир.

Иккинчи йўналиш – ички ишлар органлари томонидан кўчаларда, майдон, дам олиш истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ҳисобланади. Бу муҳим вазифани бажаришда пост-патрульва навбатчилик хизматларининг роли беқиёсдир.

Учинчи йўналиш – вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш. Ички ишлар органлари таркибида вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими (гуруҳ) томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар орасида жиноятчиликка қарши кураш тадбирлари олиб борилади. Бироқ ушбу хизмат томонидан фақат бу фаолият олиб борилади десак хато бўлади, чунки ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари талабларига кўра, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш фаолияти билан барча хизматлар шуғулланишлари шарт.

Тўртинчи йўналиш – рецидив жиноятларнинг олдини олиш ҳисобланади. Ички ишлар органларининг жиноятчиликни олдини олишдаги барча йўналишлари бўйича профилактика инспекторлари катта ҳажмдаги ишларни амалга оширадilar. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолига энг яқин профилактика хизмати жиноятчиликни олдини олиш, намунали жамоат

тартибини сақлашда олдинги сафларда бўлади.

Жиноий уюшмалар шаклланишини муваффақиятли олдини олиш учун оператив профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш услубларидан кенг кўламда фойдаланиш амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Масалан: профилактика инспектори техник жиҳатдан яхши қуролланган бўлса ва уларнинг техник таъминловини юксак мутахассислик маҳоратини оширсак профилактика фаолиятини имкониятларини кўзланган мақсадга етишиш учун ниҳоятда катта имкониятлар яратади.

Ушбу мавзу юзасидан тадқиқот олиб борганимизда ва статистик малумотларни ўрганганимизда Қашқадарё вилояти кесимида 2021-йилда барча жиноят турлари бўйича жами содир этилган жиноятлар 5813 тани

ташқил қилиб шундан ўта оғир жиноятлар 134 та, оғир жиноятлар 1298 та, унча оғир бўлмаган жиноятлар 1669 та, ижтимоий хавфи юқори бўлмаган жиноятлар 2722 та, ушбу статистик малумотларни жиноят турлари бўйича таҳлил қилганимизда қасддан одам ўлдриш 27 та, оғир тан жарохати 128 та, номусга тегиш 22 та, ўзганинг мулкини ўғирлаш 586 та, талончилик 40 та, фирибгарлик 905 та, босқинчилик 13 та, безорилик 128 тани ташқил қилиб. Шундан муқаддам судланган шахслар томонидан 51 та, жиноий уйишмалар ва жиноий гуруҳлар томонидан 18 та, жиноят содир этилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишини олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда профилактика инспекторларининг Жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш борасида қуйидаги камчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда:

1. Профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини самарали ташқил этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан фойдаланилмаётганлиги ва тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмаётганлиги.

2. Жойларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг жиноий уйишма, уюшган жиноятчилик борасидаги жиноий ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги.

3. Ички ишлар бош бошқармалари ва бошқармаларида мавжуд бўлган, Уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари билан профилактика инспекторлари ўртасида малумот алмашиш ва ҳамкорликнинг етарли даражада ташқил қилинмаганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда куйдаги **таклифларни** келтирибўтишимиз мумкин:

Биринчидан; Профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ушбу фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, якка, махсус ва виқтимологик турларидан фойдаланиш ва аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиш.

Иккинчидан; Жойларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларига жиноий уйишма, уюшган жиноятчилик тушунчалари ва уларнинг шаклланишига олиб келувчи мавжуд омилларни баргараф этишга оид кўшимча ўқув амалий машғулотларини ташкил этиб уларга шу соҳага оид махсус билим ва кўникмаларни бериш.

Учинчидан; Ички ишлар бош бошқармалари ва бошқармаларида мавжуд бўлган. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими билан профилактика инспекторлари ўртасида малумот алмашиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш ва доимий равишда малум бир муддат ичида ҳамкорликда профилактик чора тадбирларни амалга оширишни йўлга қўйиш.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>; <https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/>

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 10-апрелдаги

«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-мартдаги

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 18-апрелдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.